



ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ ИНСТИТУТИ: ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги Академияси

Киберхуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18481215>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-yanvar 2026 yil

Ma'qullandi: 28-yanvar 2026 yil

Nashr qilindi: 31-yanvar 2026 yil

KEYWORDS

суриштирув ва дастлабки
тергов, терговни тўхтатиш,
англа-саксон ҳуқуқ тизими,
имплементация, айбловдан воз
кечиш, ҳуқуқий оилалар, халқаро
тажриба.

ABSTRACT

Мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институтининг хорижий тажрибаси ўрганилган ҳамда уни Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф дунёнинг турли ҳуқуқий оилаларига мансуб давлатлар — англа-саксон (АҚШ, Буюк Британия, Канада), континентал (Франция, Италия, Испания), ислом ҳуқуқи (Саудия Арабистони, Эрон), аралаш (Япония, Жанубий Корея) ва МДХ мамлакатларининг қонунчилиги ва амалиётини қиёсий-ҳуқуқий методда тадқиқ этган. Мақолада асосий эътибор англа-саксон ҳуқуқ тизимига, хусусан, АҚШ ва Буюк Британиядаги амалиётга қаратилган. Америка Қўшма Штатларида терговни тўхтатишнинг турли босқичлари (дастлабки тергов, фаол тергов, айблов қўйиш, суд олди) батафсил ёритилган. Муаллиф прокурорнинг кенг дискрецион ваколатлари, айбга иқрорлик бўйича келишув (plea bargaining) тизимининг моҳияти ва афзалликларини, шунингдек, терговни тўхтатишнинг турли асослари (далиллар етишмаслиги, жамоат манфаатларига мувофиқ келмаслик, айбловдан воз кечиш)ни таҳлил қилган. Мақолада миллий ва хорижий олимларнинг назарий қарашлари келтирилиб, хорижий тажрибадан фойдаланишнинг миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришдаги аҳамияти асосланган.

Ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институтига оид хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини Ўзбекистон қонунчилиги ва тергов амалиётига имплементация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган давлатларнинг мазкур институтнинг моҳияти, методологияси,

концептуал асослари, тўхтатиш сабаблари ва процедураларига нисбатан назарий-ҳуқуқий ёндашувларини қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, бу жараёни амалга оширишнинг процессуал жиҳатларини илмий-амалий нуқтаи назардан тадқиқ этиш, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда мавжуд механизмнинг самарадорлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсатади.

Бу борада бир қатор етакчи олимларимиз томонидан хорижий тажрибани ўрганиш бўйича фикрлар билдирилган. Б.А.Ражабов фикрига кўра, ".....хорижий тажриба суд-тергов амалиётида қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилишида муҳим аҳамият касб этиши мумкин"[1].

С.Н.Гордеев наздида, "хорижий давлатлар тажрибасини илмий асосланган ҳолда таҳлил қилиш миллий тизимдаги афзаллик ва камчиликларни аниқлашга ёрдам беришини қайд этади"[2].

Ш.А.Кулматов тўғри таъкидлаганидек, ".....хорижий давлатларнинг қонунчилигини таҳлил қилиш, улардаги ютуқлардан миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришда фойдаланиш ҳақида фикр юритиш ўринлидир"[3].

М.Э.Муминов қарашлари ҳам қизиқарли, "ўзаро тажриба алмашиш, фикр алмашиш ва ижобий жиҳатларни ўзлаштириш ҳамма даврларда, хоҳ шахслар ўртасида, хоҳ жамоалар ўртасида, хоҳ давлатлар ўртасида бўлсин, ҳамиша ўзининг ижобий самарасини берган" [4].

Мазкур олимларнинг қарашларида хорижий тажрибани ўрганишнинг миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришдаги муҳим аҳамияти таъкидланганлигини кўришимиз мумкин.

Фикримизча ҳам, ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишда халқаро тажрибани ўрганиш миллий ҳуқуқ тизими, қонунчиликни такомиллаштириш, суд-тергов амалиётини яхшилаш ва тизимнинг самарадорлигини ошириш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Дунёнинг турли мамлакатларида жиноят жараёнини таснифлашнинг ўзига хос ёндашувлари мавжудлигини инобатга олиб, тадқиқот ишимизда мавжуд ҳуқуқий тизимларни ҳуқуқий оилаларга бирлаштиришга асосланган методологияни қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таҳлилларимиздан суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш амалиётини бирига яқин бўлган давлатларни қуйидагича таснифлашни лозим топдик: 1) англосаксон ҳуқуқ тизими (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, Янги Зеландия); 2) континентал ҳуқуқ тизимига эга давлатлар (Франция, Италия, Испания, Нидерландия); 3) ислом ҳуқуқи таъсири кучли бўлган давлатлар (Саудия Арабистони, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари); 4) аралаш ҳуқуқ тизимига эга давлатлар (Япония, Жанубий Корея, Филиппин); 5) МДҲга аъзо давлатлар (Россия, Қозоғистон Беларусь, Арманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқалар).

Ҳар бир ҳуқуқий оила ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш амалиётида ҳам ўз аксини топади. Олимлар томонидан ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш билан боғлиқ турлича фикрлар билдирилган. Жумладан, профессор Эндрю Эшворт таъкидлаганидек, ".....англосаксон тизимида терговни тўхтатиш кўпинча прокурорнинг кенг

дискрецион ваколатларига асосланади, бу эса мослашувчан, аммо баъзида ноизчил амалиётга олиб келиши мумкин"[5] лигини айтади.

Жаклин Ходсон ўз тадқиқотларида ".....континентал тизимда терговни тўхтатиш асослари қонунда аниқ белгиланган бўлиб, бу жараён кўпроқ формаллашган ва суд назорати остида амалга оширилади"[6] деган фикрни илгари суради.

Мухаммад Халид Масудга кўра, ".....ислом ҳуқуқи таъсиридаги давлатларда терговни тўхтатиш жараёни кўпинча диний ва ахлоқий меъёрлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жабрланувчи оиласининг кечириши муҳим роль ўйнайди"[7].

Аралаш ҳуқуқ тизимига эга давлатларда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш ҳақида Хироши Ода шундай фикр билдиради: ".....аралаш тизимга эга давлатларда терговни тўхтатиш жараёни турли ҳуқуқий анъаналарнинг уйғунлашувидан келиб чиқади, бу эса ўзига хос ва мослашувчан ёндашувни талаб қилади"[8]

Россиялик олим Л.В.Головко ".....МДХ давлатларида терговни тўхтатиш институти совет тизимининг таъсири остида шаклланган бўлиб, прокурор назоратининг кучлилиги ва терговчининг нисбатан кенг ваколатлари билан ажралиб туради"[9] деган фикрни билдирган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни айтишимиз мумкинки, ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш амалиёти турли ҳуқуқий оилаларда сезиларли фарқларга эга. Бу фарқлар тегишли давлатларнинг ҳуқуқий анъаналари, тарихий ривожланиш йўли ва ижтимоий-маданий хусусиятларидан келиб чиқади. Шу билан бирга, глобаллашув жараёнлари таъсирида турли ҳуқуқий тизимлар ўртасида маълум даражада конвергенция (convergence" сўздан келиб чиққан бўлиб, "яқинлашмоқ" ёки "бирлашмоқ" маъноларини англатади) кузатилмоқда, бу эса келажакда ушбу соҳада янада универсал ёндашувларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқотимиз давомида келтирилган ҳуқуқий давлатларда ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш амалиётига тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Англа-саксон ҳуқуқ тизими (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, Янги Зеландия). Бу ҳуқуқ тизимида қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кузатишимиз мумкин:

а) Plea bargaining (айбга иқрорлик бўйича келишув) тизимининг мавжудлиги. Мисол учун, АҚШда жиноят ишларини юритиш босқичини таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) тергов босқичи ва ушбу босқич икки турга бўлинади: дастлабки тергов ва фаол тергов;

2) айблов қўйиш босқичи ва бу босқич қуйидагиларда амалга оширилади: катта ҳакамлар ҳайъати, дастлабки тинглов

3) суд олди босқичи ва бу босқич қуйидагилар орқали амалга оширилади: айбга иқрорлик бўйича музокаралар, суд олди ҳаракатлари.

Америка Қўшма Штатларида ишларни юритиш тартибида терговни тўхтатиш билан боғлиқ жараён барча босқичларда алоҳида тартибда амалга оширилиши

тадқиқот олиб бориш давомида эътиборимиздан четда қолмади.

Аввало тергов босқичининг турларига тўхталиб ўтсак. Дастлабки тергов босқичида иш юритиш полиция ёки тергов органи томонидан қўйидаги асослар бўлганда тўхтатилади: етарли далиллар йўқлиги ва жинойт таркиби мавжуд эмаслиги.

Фаол терговда эса тергов органи ёки прокурор томонидан далилларнинг етишмаслиги ва жамоат манфаатларига мос келмаслиги натижасида суриштирув ва дастлабки тергов тўхтатилиши мумкин.

Айблов қўйиш босқичининг турларига эътибор берадиган бўлсак, катта ҳакамлар ҳайъати босқичида тергов катта ҳакамлар ҳайъати ёки прокурор томонидан етарли асослар мавжуд эмаслиги ва прокурорнинг айбловдан воз кечиши натижасида ишни давом эттирмаслик тўғрисидаги қарори асосида тўхтатилиши мумкин.

Дастлабки тинглов босқичида тергов судья томонидан етарли асослар мавжуд бўлмаганда ва процессуал қоидалар бузилган тақдирда тўхтатилади.

Олимлардан Marc L. Miller ва Ronald F. Wrightлар "...прокурорларнинг терговни тўхтатиш қарорлари кўпинча яширин ва назоратсиз қолишини, шу қарорлар устидан самарали назорат меҳназимларини ярататиш зарур"[10] лигини таъкидлаган. Rachel E. Barkow эса терговни тўхтатиш имконияти айблов келишуви жараёнида прокурорга кучли таъсир воситаси бўлиб хизмат қилишини, бу эса айбланувчиларни ноҳақ равишда айбига иқдор бўлишга мажбур қилиши мумкин"[11] лигини маълум қилган.

Daniel S. Medwed "...терговни тўхтатиш имконияти айбсизлик презумпциясини амалда таъминлашнинг муҳим воситаси эканлигини ва прокурорлар шубҳа туғилганда ишни тўхтатишга тайёр бўлишлари кераклигини таъкидлаган"[12]. АҚШлик ҳуқуқшунос Стефанос Бибас қайд этадики, ".....Plea bargaining тизими прокурорга терговни тўхтатиш ёки давом эттириш бўйича қарор қабул қилишда қўшимча восита бўлиб хизмат қилади"[13].

б) Прокурорнинг қарор қабул қилишда кенг ваколатларга эга эканлиги. Бунда прокурор қонун доирасида, лекин ўз мулоҳазасига кўра терговни тўхтатиш ёки давом эттириш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Олимлардан Уильям Паркер айтганидек, ".....прокурор ҳар бир ишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, мустақил равишда терговни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин"[14].

Мисол учун, Буюк Британияда ишни судга қадар юритишда, суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатишда прокурор (Crown Prosecutor) ишни давом эттириш жамоат манфаатларига мос келиш-келмаслигини баҳолайди. Профессор Эндрю Эшворт таъкидлаганидек, ".....прокурор жамоат манфаатлари нуқтаи назаридан ишни тўхтатиш ёки давом эттириш ҳақида қарор қабул қилади"[15].

Фикримизча, англа-саксон ҳуқуқ тизимида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш жараёни прокурорнинг қарор қабул қилиш эркинлигида кенг ваколатларига асосланган бўлиб, бу жараёнга мослашувчан ва индивидуал ёндашувни таъминлайди. Бироқ, бу тизим баъзида ноизчил амалиётга олиб келиши ва субъектив қарорлар қабул қилиниши хавфини туғдириши мумкин. Шу сабабли, кейинги йилларда бу давлатларда терговни тўхтатиш жараёнини янада шаффофлаштириш ва стандартлаштириш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда..

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ражабов. Б.А. Ишни судга қадар юриштида исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш. 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.2019. Б.179
2. Гордеев С. Н. Организация розыскной работы правоохранительных органов (зарубежный опыт) // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2016. №. 3. С. 141. DOI: <https://doi.org/10.12737/20588>.
3. Кулматов. Ш.А. Жиноят-процессуал мажбуриятлар ва уларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари. 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси. Юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.2019. Б.115.
4. Муминов. М.Э. Ишни судга қадар юриштида далилларни процессуал расмийлаштиришни такомиллаштириш. 12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.2019. Б.112.
5. Ashworth, A. (2015). Sentencing and Criminal Justice. Cambridge University Press, p. 243.
6. Hodgson, J. (2005). French Criminal Justice: A Comparative Account of the Investigation and Prosecution of Crime in France. Hart Publishing, p. 178.
7. Masud, M.K. (2009). "Islamic Legal Philosophy: A Study of Abu Ishaq al-Shatibi's Life and Thought". Islamic Research Institute, p. 301.
8. Oda, H. (2009). Japanese Law. Oxford University Press, p. 417.
9. Головки Л.В. (2016). Курс уголовного процесса. Статут, с. 592.
10. Miller, Marc L. and Wright, Ronald F. "The Black Box." Iowa Law Review, Vol. 94, 2008, p. 125.
11. Barkow, Rachel E. "Institutional Design and the Policing of Prosecutors: Lessons from Administrative Law." Stanford Law Review, Vol. 61, 2009, p. 869.
12. Medwed, Daniel S. "The Zeal Deal: Prosecutorial Resistance to Post-Conviction Claims of Innocence." Boston University Law Review, Vol. 84, 2004, p. 125.
13. Bibas, S. (2004). Plea Bargaining outside the Shadow of Trial. Harvard Law Review, 117(8), 2463-2547.
14. Parker, W. (2008). Discretion and the Rule of Law. Harvard Law Review, 121(6), 1510-1555.
15. Ashworth, A. (2015). Sentencing and Criminal Justice. Cambridge University Press, p. 245